



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 **20** yil « **24** » **сентябрь**

№ **584**

Toshkent sh.

### **Навоий вилояти таркибида Фозғон шаҳар ҳокимлигини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Навоий вилоятининг Фозғон шаҳри ва Нурота туманинг чегаралари ўзгариши ҳамда Фозғон шаҳри вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритилиши муносабати билан Навоий вилояти бўйсунувидаги Фозғон шаҳар ҳокимлигини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг “Навоий вилояти Нурота тумани Фозғон шаҳарчасини Фозғон шаҳри этиб ўзгартириш, Фозғон шаҳрини вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш ҳамда Навоий вилояти Нурота тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисида” 2019 йил 2 майдаги 2491-Ш-сон қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “Навоий вилояти Нурота тумани Фозғон шаҳарчасини Фозғон шаҳри этиб ўзгартириш, Фозғон шаҳрини вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш ҳамда Навоий вилояти Нурота тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисида” 2019 йил 3 майдаги СҚ-419-Ш-сон қарорига мувофиқ Навоий вилояти бўйсунувидаги Фозғон шаҳри ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Навоий вилояти таркибида вилоят бўйсунувидаги Фозғон шаҳар ҳокимлиги ташкил этилсин.

3. Қуйидагилар:

Фозғон шаҳар ҳокимлиги бошқарув аппаратининг намунавий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Фозғон шаҳридаги давлат органлари ва ташкилотларининг бўлинмалари ва бошқарув ходимларининг сони 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Белгилансинки, Фозғон шаҳрида жойлашган давлат органлари ва ташкилотларининг бошқарув ходимлари вазирликлар ва идораларнинг умумий штат бирликлари доирасида киритилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари А.Ж. Раматов:

ўн кун муддатда Навоий вилояти таркибида вилоят бўйсунувидаги Фозғон шаҳар ҳокимлигини ташкил этиш билан боғлиқ зарур ташкилий-техник тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин ва белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминласин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Фозғон шаҳри бюджетининг прогноз параметрларини белгиласин;

Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Фозғон шаҳрини ташкил этиш даврида иқтисодиёт тармоқларининг аниқ, барқарор ва бир маромда ишлашини, шунингдек, юзага келадиган ижтимоий масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилишини таъминласин;

Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда Навоий вилояти таркибида вилоят бўйсунувидаги Фозғон шаҳри ташкил этилиши муносабати билан янгидан ташкил этилаётган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари худудий тузилмаларини кўп йиллик тажрибага эга бўлган малакали кадрлар билан тўлдириш, шунингдек, Нурота туманидаги мавжуд штатларни қисқариши натижасида бўш қолаётган шахсларни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсинг;

бир ой муддатда Навоий вилояти ҳокимлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда Фозғон шаҳар ҳокимлиги, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг Навоий вилояти таркибида вилоят бўйсунувидаги Фозғон шаҳри бўлинмаларини зарур бино ва иншоотлар ҳамда моддий-техника воситалари билан таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

Фозғон шаҳрини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ижросини ташкил этсин ва жойига чиқсан ҳолда муҳокама қилиб борсин. Бунда:

шахарда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кластерларини ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш;

шахар худудида геология-қидирув ишлари кўламини кенгайтириш орқали янги конларни аниқлаш ва ўзлаштириш чораларини кўриш;

шахарда кўп квартирали уйлар қурилишини ташкил этиш орқали урбанизация даражасини ошириш ва аҳоли учун муносаб турмуш шароитини яхшилаш ишларига асосий эътибор қаратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга икки ой муддатда Фозғон шаҳрида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тузилмаларини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси статистика кўрсаткичларини шакллантириш ҳамда юритища ташкил этилаётган Фозғон шаҳрининг маъмурий худудларини инобатга олсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги Навоий вилояти таркибида вилоят бўйсунувидаги Фозғон шаҳар ҳокимлиги ташкил этилиши натижасида маъмурий-худудий

чегаралар ўзгарганлиги муносабати билан белгиланган тартибда ер ҳисоботларига тегишли ўзгартирышлар киритсин.

8. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда Навоий вилояти Ғозғон шаҳрида адлия бўлими, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ва давлат хизматлари маркази ташкил этилишини;

Навоий вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда Ғозғон шаҳар давлат хизматлари маркази биносининг қурилиши инвесторлар бўлмаган тақдирда, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида Адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига ташкил этилишини таъминлайди.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари А.Ж. Раматов ва Навоий вилояти ҳокими К.Б. Турсунов зиммасига юклансин.


Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири

А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “24” сентябрдаги 584-сон қарорига  
1-илова

## Ғозғон шаҳар ҳокимлиги бошқарув аппаратининг намунавий ТУЗИЛМАСИ



Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “24” сентябрдаги 584-сон қарорига  
2-илова

**Фозғон шаҳридаги давлат органлари ва ташкилотларининг  
бўлинмалари бошқарув ходимларининг сони\***

Т/р	Ташкилот номи	Штат бирликлари сони
1.	Мактабгача таълим бўлими	1
2.	Халқ таълими бўлими	1
3.	Тиббиёт бирлашмаси	2
4.	Давлат солиқ инспекцияси	4
5.	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлими	2
6.	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими	2
7.	Молия бўлими	3
8.	Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими	2
9.	Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази	2
10.	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими	2
11.	Курилиш бўлими	1
12.	Маданият бўлими	1
13.	Жисмоний тарбия ва спорт бўлими	1
14.	Кадастр агентлигининг бўлими	1
15.	Статистика бўлими	1
16.	Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси	2
17.	Ғазначилик бўлинмаси	2
18.	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими	1
19.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси	2
20.	Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси	1
21.	Маҳалла ва оилани кўллаб-куватлаш бўлими	3
22.	Ободонлаштириш бошқармаси	2
23.	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси	1
<b>Жами:</b>		<b>40</b>

\* ) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланган  
бошқарув ходимлари чекланган сони **хамда белгилансан** штат бирликлари  
доирасида белгиланади.

